

ТАҚИҚЛАНГАН ЭКИНЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ЖИНОЯТИГА ОИД ҚОНУН НОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ғофуржонов Иброхимжон Музробжон ўғли

Фарғона вилояти ИИБ Биринчи минтақавий ҳудуд

Қува тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлинмаси суриштирувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада тақиқланган экинларни етиштириш жиноятининг вужудга келиши, тақиқланган экинларни етиштириш учун жавобгарликнинг ижтимоий зарурияти миллий ва хорижий тажриба асосида ўрганилди. Шунингдек, тақиқланган экинларни етиштириш жиноятини квалификация қилинишига боғлиқ айрим назарий ва амалий муаммолар ёритилган бўлиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Тақиқланган экинлар, кўкнор, мойли кўкнор, каннабис, таркибида гивандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинлар, экиш, етиштириш.

ABSTRACT

In this article, the emergence of the crime of cultivation of prohibited crops, the social necessity of responsibility for cultivation of prohibited crops was studied based on national and foreign experience. Also, some theoretical and practical problems related to the qualification of the crime of cultivation of prohibited crops were highlighted, and in this regard, relevant suggestions and recommendations were developed for improving the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: *Illegal crops, poppy, oil poppy, hemp (cannabis), crops, plants, crops containing narcotic drugs or psychotropic substances*

АННОТАЦИЯ

В данной статье на основе отечественного и зарубежного опыта изучено возникновение преступления выращивания запрещенных культур, социальная необходимость ответственности за выращивание запрещенных культур. Также были освещены некоторые теоретические и практические проблемы, связанные с квалификацией состава преступления выращивания запрещенных культур, в связи с чем были разработаны соответствующие предложения и рекомендации по совершенствованию уголовного законодательства Республики Узбекистан.

***Ключевые слова:** Запрещенные культуры, мак, мак масличный, конопля (каннабис), культуры, растения, выращивание, содержащее наркотические средства или психотропные вещества*

КИРИШ

Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади. [1].

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилиш инсон соғлиғи ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солади, республикадаги криминоген вазиятга, жамиятнинг иқтисодий ва маданий негизига салбий таъсир кўрсатади, кўпинча у уюшган жиноятчилик билан узвий боғлиқ бўлади. Айниқса, бу жиноятларнинг вояга етмаганлар орасида тарқалганлиги катта хавф туғдиради. [2].

БМТнинг берган маълумотларига асосан, дунё бўйича 200 миллион одам гиёҳванд моддаларни истеъмол қилади. Гиёҳвандликка боғланиб қолганлар эса 25 миллион нафарни ташкил этади. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистонда гиёҳвандларни рўйхатга олиш йилдан йилга камаймоқда.

Статистик маълумотларга кўра, Европа мамлакатларида рўйхатга олинган 14 миллион нафар гиёҳванднинг 2 миллион нафари ОИТС касаллиги билан ҳам касалланган. Гиёҳвандлар ўртасида битта шприц орқали бир неча киши наркотик воситани томирга жўнатиш ва айна шу йўл билан ОИТС тарқатаётгани хавфнинг нақадар ваҳимали эканлигини белгилайди. Қолваерса, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда 450 миллион одамнинг руҳий ва хулқий бузилишига йўлиқиши ҳам айна шу иллат билан боғлиқ экан. [3.]

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 270-моддасида тақиқланган экинларни, яъни кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга ҳилоф равишда экиш ёки етиштириш учунг жиноий жавобгарлик белгиланган. [4.]

Таъқиқланган экинларни етиштириш деганда тегишли рухсатсиз ҳар қандай ер майдонида, шунингдек бўш ётган ерларда уруғни қадаш ёки ўстириш

тушунилади. Жиноят ўсимлик униб чиққан ёки чиқмаганлигида қатъий назар, экин экилган пайдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. [5.], [6.]

Уруғлар сотиб олиш, уларни пишиш босқичигача ўсмайдиган даражада тупрокдан ташқарида ёки кам миқдорда ундириш (кўчат етиштириш)ни таъқиқланган экинларни етиштиришга тайёргарлик кўриш ҳаракатида кўриш мумкин.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Таъқиқланган экинларни етиштириш деганда, экилган вақтдан бошлаб пишиш босқичигача бўлган давр ичида уларни парвариш қилишини (суғориш, чопиқ қилиш, ўғитлаш ва ҳоказоларни) тушуниш керак. Таъқиқланган экинларни етиштиришни уларни етиштириш технологиясининг ўсиши, янги навларини яратиш, улар ҳосилдорлигини ошириш, нокулай об-ҳаво шароитларига чидамлилигини ошириш кабиларни эътиборга олиб квалификация қилиш керак. Таъқиқланган экинларни етиштириш уларни ўзи ёки бошқа шахслар учун етиштирганлиги, пишиб етилганлиги, ҳосил йиғиб олиш вақтидан қатъий назар тугалланган жиноят деб топилади. [5.]

Агар етиштирилиши тақиқланган экинларни экиш ёки етиштириш келгусида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ёки кўзламай тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, шунингдек, ўтказиш (сотиш) билан боғлиқ бўлса, бундай ҳаракатлар ЖК 270-моддаси ва ЖК тегишли моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи билан квалификация қилиниши керак. [7.]

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 17-моддасига асосан таъқиқланган экинларни етиштириш жиноятини содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар. [4.]

Мамлакатимизда тақиқланган экинларни етиштириш жиноятига оид қонун нормаларини такомиллаштириш хусусида М.Х.Рустамбаев [5] ўзининг илмий ишларида ёритиб ўтган.

Хорижий мамлакатларда тақиқланган экинларни етиштириш жиноятига оид изланишларни А.Х.Ибрагимова [8] ва И.Е.Пожидаев [9]лар олиб борган.

А.Х.Ибрагимова фикрига кўра, гиёҳванд моддаларни ўз ичига олган, етиштириш тақиқланган ўсимликларни ноқонуний етиштиришга қарши курашиш муаммоси Россия давлати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бутун жамият учун замонамизнинг асосий муаммоларидан бирига айланиб бормоқда. Қолаверса, ушбу турдаги жиноятларга қарши курашиш ҳуқуқни

муҳофаза қилувчи органларнинг тор идоравий муаммоси эмас, балки узоқ вақт давомида ҳал этилиши керак бўлган умуммиллий муаммо эканлигини таъкидлаш лозим. Шу муносабат билан таркибида наркотик моддалар бўлган ўсимликларни ноқонуний етиштиришнинг олдини олиш ва олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш катта амалий аҳамиятга эга. Давлат гиёҳвандлик таҳдидини холисона баҳолаши ва бу ижтимоий ҳодисага қарши курашишнинг турли шакллари қўллаши керак. Гиёҳванд моддаларни ўз ичига олган ўсимликларни ноқонуний етиштиришга қарши курашда муҳим ўринни қонуний воситалардан фойдаланиш, махсус ва умумий профилактика қилиш керак. Бу сўнгги йилларда қабул қилинган жиноятчиликка қарши кураш бўйича федерал ва минтақавий мақсадли дастурларнинг диққат марказида. [8]

И.Е.Пожидаев эса Таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган ўсимликларни ноқонуний етиштиришга қарши жиноят ҳуқуқининг тарихи ҳамда таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ёки уларнинг прекурсорлари бўлган ўсимликларни ноқонуний етиштиришга қарши курашиш тўғрисида илмий изланишлар олиб борган. [9]

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноятлар аҳоли соғлиғига, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига жиддий таҳдид солади, оилавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатади, бошқа ижтимоий муаммолар келтириб чиқаради. [7]

Шу сабабли, тақиқланган экинларни етиштириш жиноятига оид қонун нормаларини такомиллаштириш мақсадида жиноят ҳуқуқи назариясидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 106-моддасида кўрсатилган тасарруфида ер майдонлари бўлган шахслар томонидан ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чораларини кўрмаганлик ҳуқуқбузарлиги бир йил давомида такроран содир этилган ҳолларда, мазкур ҳуқуқбузарлик ҳолатини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 270-моддаси билан квалификация қилиш лозим.

Мазкур таклиф берилишига мисол қилиб, Фарғона вилояти Қува тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлинмаси томонидан суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилган 302181/2022-442-сонли, 302181/2023-8-сонли, 302181/2023-25-сонли ва бошқа бир нечта Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 276-моддаси *(Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда*

тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар) билан юритилган жиноят ишлари бўйича айбланувчилар ўз кўрсатувларида ўзлари томонидан сақлаб келинаётган гиёҳвандлик воситаларини ариқ-зовур бўйларидан ёки бута-ўсимликлар орасида ёввойи ҳолда ўсиб ётган наша (каннабис) ўсимлигидан териб олганликларини маълум қилганлар. Юқорида келтириб ўтилган таклиф қонун нормаси сифатида киритилиши тасарруфида ер майдонлари бўлган шахслар томонидан ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чоралари доимий равишда кўриб борилишини, бу билан гиёҳванд моддаларни сақлаш, ўтказиш, сотиш ва гиёҳванд моддалар билан боғлиқ бошқа жиноятларнинг кескин камайишига ҳамда уларнинг олди олинишига сабаб бўлади.

2. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 270-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин бўлган терговга қадар текшириув ҳаракатлари давомида ҳодиса жойи кўздан кечирилиши ва ушбу тергов ҳаракатига мутахассис (агроном) жалб қилиниши амалиёти мавжуд. Ушбу жараёнга жалб қилинган мутахассис (агроном) ўсимликни кўздан кечириб, ушбу ўсимликга агротехник ишлов берилган ёки берилмаганлиги юзасидан маълумотнома тақдим этади ва кўздан кечириш баённомаси тўлдрилганидан сўнг, у билан танишиб, имзолайди. Ушбу ҳолатда мутахассис (агроном) ва гумонланувчи тариқасида ишга жалб қилиниши мумкин бўлган шахс ўртасида манфаат тўқнашуви юзага келган ҳолларда агротехник ишлов берилган ўсимликга мутахассис (агроном) томонидан ёлғондан ўсимликга агротехник ишлов берилмаганлиги ҳақида ёки шахсий адоват сабабли агротехник ишлов берилмаган ўсимликга мутахассис (агроном) томонидан ёлғондан ўсимликга агротехник ишлов берилганлиги ҳақида маълумотнома берилиши мумкин. Мазкур ҳолатни олдини олиш ҳамда жиноят содир этган шахсга нисбатан жазонинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида Республика Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тақрибий тузилмаларидаги терговга қадар текшириув ҳаракатларига мутахассис (агроном) сифатида жалб қилинадиган ходимларини махсус ўқув курсларида ўқитиш ҳамда улар томонидан бериладиган “маълумотнома”ни “хулоса” кўринишида намунавий нусхасини тайёрлаб, ушбу хулосани тузган мутахассис (агроном)ни хулосанинг тўғри эканлигига жавобгарлигини белгилаш.

Хулоса ўрнида амалдаги Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунларининг умумий жиноят назариясига асосланган ҳолатда тўғри тадбиқ этилиши, қонун чиқарувчи томонидан белгиланган нормаларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаниши Ўзбекистон Республикасида ягона суд амалиётини

жорий этилиши ҳамда ҳар бир шахснинг содир этган қилмиши учун инсонпарварлик тамойиллари асосида жазо тайинланишидаги ўрни беқиёс эканлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Фойдананилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 21-сонли қарори (*ўз кучини йўқотган*)
3. Ziyo.uz. Yosh.kuch.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Lex.uz.
5. М.Х. Рустамбаев Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Тошкент: “Адолат”, 2016. 801-809-б.
6. БМТнинг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши кураш тўғрисида”ги конвенцияси (*Вена, 1988 йил 20 декабрь, Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 24 февралдаги 32-I-сонли қарорига мувофиқ қўшилган, Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 22 ноябрдан кучга кирган*)
7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарори, 19-банд
8. Ибрагимова Аминат Хизбуллаевна. Незаконное культивирование запрещенных к возделыванию растений, содержащих наркотические вещества (По материалам Республики Дагестан) : Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.08 Махачкала, 2003. РГБ ОД, 61:04-12/632. Dslib.net
9. Пожидаев Илья Евгеньевич. кандидат наук. тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, проблемы уголовно-правового противодействия незаконному культивированию растений, содержащих наркотические средства или психотропные вещества либо их прекурсоры. <https://www.dissercat.com>